

Ахир бу онада...



11:00 / 23.06.2022 3797

Бир бева аёлнинг ёлғизгина ўғли бор эди. Онаизор фарзандини вояга етказди, ўқитди ва уйлантирди. Кунларнинг бирида ўғил онани ташлаб, сафарга чиқишга қарор қилди.

Онаси: «Болам, мени ёлғиз ташлаб кетасанми?», деди.

Ўғил: «Мени кечиринг онажон, саодатим ва келажагим йўлига тўсиқ бўлманг» дедида, мақсадидан қайтмай, сафарга йўл олди.

Она ўғлининг саломатлигини билиш учун унга доим мактублар юборар эди. Лекин ўғилдан жавоб келмасди. Шунда она ажойиб бир тадбир режасни тузди. Кейин ўғлига мактуб ёзиб шундай деди: «Севимли ўғлим, амакимдан катта бир ер менга мерос бўлиб қолди. Энди менда кўп мол-дунё бор. Агар бирор нарсага муҳтож бўлиб қолсанг, нима эканлигини менга ёзиб юбор. Мен уни сенга жўнатаман», деди.

Онанинг тузган режаси иш берди. Энди ҳар ҳафта ўғил онага мактуб ёзиб пул сўрарди. Она ўғил сўраган пулни унга юборар эди. бечора она ўғлининг бу ишидан хафа эмасди, балки жуда хурсанд эди. Чунки фарзандидан хабардор бўлиб турганидан доим ўғил унга мактуб ёзиб турар эди. Нобакор ўғил онасига шафқат қилиб, унинг соғинганиндан эмас, балки фақат ўзининг фойдаси учун онасига мактуб ёзаётган бўлсада,

она бунга парво ҳам қилмас эди. Орадан уч ой ўтгач, онанинг жавоб мактублари тўхтаб қолди. Ўғил тинмай онасига мактуб ёзар, аммо она буларга жавоб қайтармас эди. Фарзанд онанинг қўшинларидан бирининг телефон рақамини топиб унга қўнғироқ қилди. Қўшниси муштипар онанинг вафот этганини маълум қилди. Ўғил онасининг хонадонига етиб келди. Лекин бу келиши онасига афсус қилганидан, ачинганидан эмас, балки мероснинг қолган қисмини олиб кетиш учун келган эди. Уйига келиб қараса бегона одам яшаётган экан.

Ўғил: «Сиз кимсиз деб», сўради.

Шунда ҳалиги одам: «Онангиз бу уйни уч ой аввал менга сотган», деди. Йигит қўни-қўшнилардан сўраб билдики, онахон уйдаги барча жиҳозларни сотиб, пулини ўғлига юбораётган экан. Жиҳозлар тугагач, уйнинг ўзини ҳам сотиб, пулини нобакор ўғлига юбориб, аҳволи ёмонлашиб, бемор бўлиб, саломатлигига ҳам эътибор бермай, кўчаларда ётиб юрган экан. Уйнинг пулини кимга юбораётганини қўшнилар аниқлаша олмаган экан. Бу маълумотлардан хабар топган ўғил қилган ишларидан пушаймон бўлиб, ҳеч бир сўзга тили айланмай додлаб йиғлаб юборди.

Азизлар, она Аллоҳ таолонинг бизга ато қилган энг гўзал ҳадясидир. Шундай экан, онамизга эътиборли бўлайлик, отамизга аҳамият қаратайлик. Тақдир тақозоси билан ота-онамиздан узоқда яшаётган бўлсак ҳам уларнинг ҳолларидан ҳар куни хабар олишни эсдан чиқармайлик. Уларни бир марта йўқласангиз, телефонда бўлса ҳам «Онажон, отажон, яхшимисизлар. Сизларни соғиндим, жуда соғиндим. Дуоларингизга муҳтожман. Иншааллоҳ тез кунда учрашамиз», десангиз уларнинг кўнгиллари, руҳий ҳолатлари бир юз саксон даражага ижобий томонга ўзгаради.

Ё Аллоҳ, биз бандаларинга ота-оналаримизнинг розилиklarини олишни насиб этгин, уларни бошимизда тож, дуогўй бўлиб юришларини таъминлагин. Вафот этганларини раҳмату мағфиратинга буркагин.

Арабчадан Нозимжон Ҳошимжон таржимаси

Хуршид Маъруф тайёрлади